

## **ХИЗМАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАСНИФИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада хизматларнинг турлари ва шакллари бўйича таснифига оид илмий-назарий қарашларнинг таҳлили амалга оширилган. Мавжуд қарашларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли мезонлар асосида гурухлаш амалга оширилган. Хизматларни таснифлашда қўлланиладиган усуллар келтириб ўтилган. Жаҳон амалиёти ва Ўзбекистонда қўлланиладиган таснифлаш асосида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича умумдвалат таснифлагичи бўйича хизматлар типологияси таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** хизмат, таснифлаш, таснифлаш мезон, таснифлаш типология, таснифлаш тамойиллари, таснифлаш усуллари.

**Кириш.** Хизматларнинг ривожланиш тарихи ижтимоий алмашинувнинг пайдо бўлиш босқичидан бошланади, ушбу даврга келиб хизматлар ўз ривожланишининг дастлабки қадамларини қўя бошлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзи эса, кўплаб фаолият турларининг қоришимаси сифатида тақдим этилади, бу эса хизматларнинг хилма-хил кўринишга эга эканлигидан далолат беради. Бироқ, хизматларни шунчаки санаб ўтиш хизматнинг ўзига хос жиҳатларини, иқтисодий моҳиятини ва ўз навбатида иқтисодиётда хизматларни бошқариш тафсилотларини очиб бера олмайди.

Замонавий иқтисодиётда хизматларнинг тарихий ривожланиши давомида илмий-техник жараён ва инновацияларнинг ривожланиши натижасида хизматлар сони кун сайн кўпайиб бормоқда. Хизматлар сонининг етарлича қўплиги уларнинг битта мезон асосида таснифлашни мураккаблаштиради. Бундан ташқари, товарлар ва хизматлар ўртасидаги мавжуд функционал фарқлар товар гурухлари ва хизмат турлари бўйича умум қабул қилинган таснифдан фойдаланишни кийинлаштиради.

Тадқиқотларимиз давомида биз ўзлаштириш имкониятини кенгайтириш ва ўрганилаётган “хизмат” ҳодисасини батафсил тушунишга имкон берувчи таснифлашнинг асосий усуллари ва ёндашувларини кўриб чиқамиз. Хизматларни таснифлаш схемалари ва ягона стандартлар муаммоси ҳалигача ўз ечимини топмаган. Асосан, хизматларнинг турли хил таснифлари муайян бир мамлакатда статистик маълумотларни тўплашнинг аввалдан таркиб топган анъаналарига асосланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Илмий адабиётларда “хизмат” тушунчасига доир турлича қарашлар мавжуд. “Хизмат” тушунчасини аниқлаштириш борасидаги муаллифлик ёндашувларининг таҳлили бу тушунчани иқтисодий муносабатлар сифатида [1,2], номоддий маҳсулотни яратишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар сифатида [3,4,5], бевосита жараёнда истеъмол қилинувчи қиймат сифатида [6], фуқаролик хукуқий муносабатларининг бир кўриниши сифатида [7,8] ва таклиф қилинувчи нафлик, фойда сифатида [9,10] талқин қилиш имконини яратди. Ушбу муаллифлик қарашларининг таҳлили хизматларнинг таснифланишига бир қанча нуктаи назардан ёндашув кераклигини тақозо этади. Бунда уларнинг хусусиятларидан ташқари жаҳон амалиётида ҳамда Ўзбекистонда қўлланиладиган таснифлашларни ўрганиб чиқиш лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида мавжуд назарий қарашларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Келтирилган таърифлар ва ёндашувлар бир қатор мезонлар асосида гурухланди ва таснифланди. Бунда солиштириш, илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги вақтда иқтисодий ва илмий адабиётларда маълум бир мақсад ва йўналишга мувофиқ илмий функцияларни бажаришга мўлжалланган турли хил таснифлаш мезонлари бўйича фарқланувчи жуда кўплаб хизмат турлари мавжуд.

Т.Д. Бурменко хизматларини таснифлаш зарурати билимларнинг чукурлашуви ва бошқарув амалиётидан келиб чиқишини таъкидлайди [11]:

- хизмат кўрсатиш соҳасида стандартлаштириш тизимлари;
- истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминловчи хизматларни сертификатлаштириш тизими;
- истеъмолчилар мулкига етказилиши мумкин бўлган зарар ва хатарни камайтириш;
- ялпи тарзда хизматлар кўрсатилишини ҳисобга олиш;
- миллий ва халқаро таснифлашнинг бирлиги.

Шуни таъкидлаш керакки, фанда тақдим этиладиган хизматларнинг турлари ва шакллари жуда ўзгарувчан, чунки уларнинг чегаралари барқарор ва ҳаракатчан, шунинг учун уларни аниқлаштиришда муаммолар пайдо бўлади. Қатор муаллифларнинг ушбу муаммога оид қарашлари улар “хизмат” тушунчасини турлича талқин қилишларини, хизматларни таснифлашда муаллифлик ёндашувларини таклиф қилган ҳолда, ўз қарашларини қатъий ҳимоя қилишларини кўрсатади.

XX асрнинг 60-йилларида американлик маркетологлар тобора ривожланиб бораётган хизматларнинг ягона таснифини ишлаб чиқиши масаласини фаол ўргана бошладилар.

Кейинчалик, 1964 йилда Сентон ва Джадд ўз асарларида хизматларни таснифлашга ҳаракат қилиб кўришди [12].

Хусусан, Сентон хизматларни тижорат асосида таснифлашни таклиф қиласди ва уларни 10 гурӯхга ажратади:

- уй-жой соҳаси;
- оила соҳаси;
- дам олиш ва кўнгил очар соҳа;
- шахсий ва гигиеник соҳа;
- тиббиёт соҳаси;
- хусусий таълим соҳаси;
- бизнес ва касбий фаолият соҳаси;
- сұғурта ва молиявий операциялар соҳаси;
- транспорт соҳаси;
- алоқа хизматлари соҳаси.

Бундан ташқари, муаллифлар томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг функциялари мазмун жиҳатидан турли хил маъно ва кўламларга эга бўлсада, мавжуд таснифларни ягона таснифга бирлаштиришимиз мумкин.

Кўрсатилган ҳар бир хизмат маълум бир функцияни бажариш ва маълум бир эҳтиёжни қондириш учун мўлжалланганлиги сабабли, функционал мезонларга мувофиқ хизмат турларини кўриб чиқиши талаб қилинади. Г.А. Аванесова ишлаб чиқариш, савдо, ҳаётни қўллаб-куватлаш, ижтимоий соҳа, маданий ва бошқаларда ишлатиладиган хизматларни ўз ичига олган функционал хусусиятлар бўйича хизматларни таснифлашни таклиф этади. Ўз навбатида, В.К. Карнаухова ва Т.А. Krakovskaya хизматларни тақдим қилиш мақсадлари борасидаги фарқларга асосланган 4 та таснифлаш гурӯхини ажратиб кўрсатадилар [13]:

- ишлаб чиқаришда фойдаланилишга йўналтирилган хизматлар;
- ижтимоий соҳадаги функцияларни бажаришга йўналтирилган хизматлар;
- уй хўжаликларига йўналтирилган хизматлар;
- якка тартибда хизмат кўрсатиш.

Хизматларнинг бутун тўпламини кўп сонли мустақил ва ўзаро боғлиқ таснифлаш функцияларига мувофиқ бир хил гурӯхларга, кичик гурӯхларга, турларга бўлиш мумкин. Хизматларни таснифлаш борасида хорижий ва маҳаллий адабиётларда кўплаб ёндашувлар мавжуд. Хизматларнинг энг кенг тарқалган таснифларидан бири бу уларнинг сезиши (ҳис қилиш) даражаси бўйича тақсимланишидир.

Ф. Котлер сезиши даражасини ҳисобга олган ҳолда маркетинг таклифларининг бешта тоифасини ажратиб кўрсатишни таклиф қиласди.

1. “Соф” моддий неъматлар. Бундай ҳолда, моддий неъматлар (совун, туз, тиш пастаси ва бошқалар) тақдим қилинсада, ҳеч қандай қўшимча хизматлар кўрсатилмайди.

2. Хизматлар билан тўлдирилувчи аниқ маҳсулотлар. Истеъмолчиларга товарлар уларнинг жозибадорлигини оширувчи бир ёки бир неча хизматлар билан тўлдирилган ҳолда таклиф қилинади. Масалан, принтер, монитор харид қилувчилар учун қўшимча хизмат дастури тақдим этилади, жумладан, кафолат муддатини узайтириш, техник хизмат кўрсатишни тезлаштириш ёки уларнинг иккисидан ҳам бир ўринда фойдаланиш.

3. “Гибрид”. Таклиф деярли бир хил даражада товарлар ва уларга боғлиқ бўлган хизматлардан ташкил топади (масалан, тез овқатланиш ресторонлари).

4. Тегишли маҳсулотлар ва қўшимча хизматлардан фойдаланилувчи хизматлар (масалан, ҳаво кемалари йўловчиларига парвоз хизматлари билан бир қаторда озиқ-овқат, ичимликлар, журналлар, адёл ва бошқа шу каби қўшимча маҳсулотлар таклиф қилинади).

5. “Соф хизмат”. Ўз номидан ҳам кўриниб турганидек, таклиф фақатгина хизматлардан ташкил топади (масалан, массаж хизматлари, психолог хизмати ва шу кабилар).

Хизмат кўрсатишнинг мажбурийлик тамойилига кўра, хизматларни субъектив тарзда бўлиниши кенг тарқалган:

- асосий (мажбурий, базавий) хизматлар;
- қўшимча (ихтиёрий, периферик) хизматлар.

К. Лавлок хизматларни “таъсир обьекти” ва “хизмат кўрсатиш жараёнини сезиш даражаси” мезонлари бўйича таснифлайди.

Ушбу таснифга кўра, хизмат кўрсатиш жараёнини операцион нуқтаи назардан кўриб чиқиб, К. Лавлок хизматларнинг тўртта кенг гурухини ажратиб кўрсатишни таклиф қиласди: инсонлар учун хизматлар, инсонларга тегишли жисмоний обьектлар учун хизматлар, инсон идроки ва номоддий активлар учун хизматлар (ахборотни қайта ишлаш асосида). Ушбу тоифаларнинг ҳар бири маркетинг бўйича менежер, операцион менежерлар ва ходимлар бўйича менежерлар фаолиятига таъсир кўрсатадиган хизмат кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатлари ва жараёнига эгалиги билан ажralиб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий адабиётларда хизматларнинг функционал моҳияти билан боғлиқ соҳаларда хизмат кўрсатиш фаолиятини тақсимлашнинг кенгайтирилган бирликлари кўлланилади:

- ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (хавфсизлик, ускуналарни таъмирлаш, банк, бизнес ва бошқалар) билан боғлиқ ҳолда иқтисодий тузилмаларга тақдим қилинувчи саноат соҳасидаги хизматлар;

- савдо хизматлари (улгуржи ва чакана савдо);
- истеъмол соҳасидаги хизматлар, бундай хизматлар фуқароларга оила ва оилавий муносабатлар доирасида, шунингдек, уй хўжалигини бошқаришда кўрсатилади;
- ижтимоий алоқалар субъектининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ижтимоий хизматлар: транспорт, молия, почта, хордик чиқариш, таълим, ахборот ва бошқалар.
- кўнгилочар тавсифга эга бўлган когнитив, илмий, бадиий, эстетик, маданий хизматлар.

Хизмат кўрсатиш фаолиятининг типологик йўналишларини таснифлашнинг ушбу варианти хизмат кўрсатиш соҳасини таҳлил қилиш борасида маҳаллий шароитда энг кенг тарқалган таснифлашлардан биридир. Эҳтиёжларни қондириш шакли ва усули бўйича хизматларнинг энг оддий типологияси Н.В. Миронова [15] томонидан таклиф қилинган бўлиб, у қуйидаги мезонларга асосланади:

- фақат соф хизматлардан фойдаланишни ёки ушбу хизмат йўналтирилган обьектга тегишли хизматларни истеъмол қилишни ўз ичига олган эҳтиёжларни қондириш шаклига кўра;

- эҳтиёжларни қондириш усули ёки воситаси сифатида, бунда хизматлар касбий кўникмаларга эга бўлган ходимлар томонидан ёки ходимларсиз муайян бир механизmlардан фойдаланилган ҳолда тақдим қилинади.

Пировардида муаллиф томонидан тақдим этилган таснифлаш хизматларни тўғридан-тўғри инсон томонидан хизмат кўрсатиш хусусиятларига, автоматик қурилмалар ва механизmlарни жалб қилган ҳолда инсон иштирокисиз кўрсатиладиган хизматларга қараб тақсимлашни назарда тутади. Ушбу мезонга кўра, барча хизматлар хизмат кўрсатувчи компания ходимлари томонидан тақдим этиладиган ва истеъмолчи автоматик қурилма ёки механизм ёрдамида хизматни оладиган шкала бўйича тақсимланиши лозим бўлади.

Шунингдек, заруратдан келиб чиқсан ҳолда, хизматларни таснифлаш борасида бошқа кўплаб усуllардан фойдаланишимиз мумкин:

- мижоз билан алоқа қилиш даражасига кўра;
- тақлиф этилаётган бозорлар тури бўйича;
- мижозларнинг ижтимоий мақоми бўйича;
- тижоратлаштириш даражаси бўйича;
- мижозлар томонидан хизматларни сотиб олиш частотаси бўйича;
- хизмат кўрсатиш жараёнини автоматлаштириш даражаси бўйича;
- хизмат кўрсатиш самарадорлиги бўйича ва шу кабилар.

Кўриб чиқилаётган хизматларнинг таснифидан келиб чиқсан ҳолда, уларнинг ҳар бири бутун функциялар тўпламини ҳисобга олмаган ҳолда бир ёки бир нечта мезонларни белгилашга асосланади. Умуман олганда, хизматларнинг таснифи бошқарув усулиниг айrim хусусиятларини ва айrim турдаги хизматларни кўрсатадиган ташкилотларнинг функцияларини амалга ошириш имкониятини аниклаштириш имконини беради.

Бугунги кунда, статистик маълумотларга кўра, хизмат кўрсатиш таснифига тегишли ҳатти-ҳаракатлар жуда хилма-хилдир. Улар турли мақсадларга қаратилганлиги, турли мақсадли аудиторияга эгалиги, реклама ва тарғиб қилиш воситаларига сезгирилик, эгилувчанлик даражаси, талаб нархининг сезилувчанлиги ва бошқалар билан ажralиб туради. Баъзи хизматларнинг унумдорлиги нафақат технологик ишланмалардан фойдаланишга, балки бошқа хизматларни кўрсатувчиларнинг истеъоди ва маҳоратига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Номоддий фаолият соҳасининг ривожланиши асносида замонавий жамиятда талаб муттасил тарзда ўсиб бораётган янги хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга, замонавий шароитда хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилиш тенденцияси тобора кучайиб бормоқда. Авваллари алоҳидалашган ва тарқоқ кўринишга эга бўлган хизматлар тўлақонли хизматлар мажмуини тақдим қилгани ҳолда, рақобатбардошлик даражаси ўсиб борди, ўз навбатида хизматларни диверсификация қилиш орқали хизмат кўрсатиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган потенциал хатарларни камайтириш имконияти пайдо бўлади. Транспорт хизматлари кўрсатишга ихтисослашган компаниялар хизматлар рўйхатини кенгайтириб бормоқдалар, улар етказиб бериш хизматлари билан бир қаторда, алоқа, фуқароларнинг ҳаёти ва мол-мулкини суғурта қилиш, сайёҳлик хизматлари каби хизматларни кўрсатмоқдалар, масалан, алоқа хизматлари ва интернет хизматлари ягона алоқа хизматлари мажмуасига бирлаштирилган бўлса, банк, ахборот, брокерлик ва биржа хизматлари янги хизмат турлари ҳисобланади. Банк тизимлари ва мобил технологияларнинг симбиози масофадан туриб, электрон тўловлар билан ишлаш имкониятини вужудга келтириди.

Кўпгина мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг умумназарий ва амалий жиҳатлари бир-биридан алоҳида ҳолда мавжуд бўлгани ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳаси таҳлилиниг умум қабул қилинган таснифи ҳали яратилмаган. Давлат томонидан ҳисобга олишда кенг қўлланилуви хизматларнинг энг кенг тарқалган маҳаллий ва хорижий таснифи статистик маълумотларни тўплашнинг таркиб топган анъаналари ёки жамият муайян бир вазиятларда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишга асосланади.

Хизмат турларининг пайдо бўлиши борасида Грёнроос саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳаларига киритилмаган барча нарсалар хизматлар деб номланишига тўхталади. Бундан ташқари, у бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётга қўшган

хиссасини хисоблаш аввалгидек, эскирган усуллар билан амалга оширилаётганлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан хизматларни таснифлашнинг умумий мезонларини ишлаб чиқиш турли мамлакатлар мутахассисларининг ўзаро биргаликдаги саъй-харакатларини талаб қилади. Шу тариқа, бугунги кунда биз тобора яққол кўзга ташланаётган хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилиш тенденцияси, саноат сектори ва хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасидаги чегаралар ҳаракатчан бўлиб бораётганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

К. Хаксевер ва Б. Рандер ўз асарларида хизматларни қўйидаги белгиларига мувофиқ таснифлашни таклиф қилишади [17]:

- номоддий, чунки хизмат моддий-буюм шаклига эга эмас, товарлардан фарқли ўлароқ, хизмат – бу шунчаки бажарилган ҳаракатлар рўйхатидан ташкил топади;

- манбадан ажралмаслик, хизмат тақдим этилаётган бир пайтнинг ўзида истеъмол қилинади, шу боис уни келгусида истеъмол қилиш ёки фойдаланиш мақсадида сақлашнинг имкони йўқ;

- сақланмаслик, хизмат моддий буюм шаклига эга бўлмаганлиги боис, уни келгусида фойдаланиш мақсадида заҳира қилиш мумкин эмас;

- сифатнинг доимий эмаслиги, кўрсатилаётган хизматнинг сифати уни кўрсатаётган обьектга боғлиқ.

Жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш соҳаси турли мезонлар бўйича.

Келтириб ўтилган таснифлаш учун бир қатор камчилик ва нуқсонлар хос, хусусан мазкур таснифлашда ахборот ва маркетинг каби хизмат турлари ҳам ишлаб чиқариш, ҳам номоддий соҳага тааллуқли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

XX асрнинг 90-йилларида бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш постсовет давридаги барча мамлакатлarda ижтимоий-иктисодий соҳанинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, бундай ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди, натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ошиди, бандлик ва турмуш сифатининг яхшиланишида ўзининг ижобий таъсирини топди. Айни чоғда, шуни таъкидлаш лозимки, ўтиш даврида хизмат кўрсатиш соҳаси қатор сиёсий ва ижтимоий-иктисодий характердаги омилларнинг таъсири натижасида бирмунча секин тараққий топди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши ва ривожланишига сиёсий омиллардан ташқари тадбиркорлик, эркин савдо ва бозор инфратузилмасининг ривожланиши ва шаклланиши каби омиллари ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Турли мамлакатлар доирасида ўхшаш хизмат гуруҳлари шакллансада, аммо улар мамлакат ичидаги ўзига хос хизмат кўрсатиш амалиётида ривожланади, турлича йўллар билан амалга оширилади ва тўлдирилади (1-жадвалга қаранг).

#### 1-жадвал.

#### ЖСТ ва Ўзбекистонда хизматларнинг таснифланиши

ЖСТ бўйича хизматлар таснифи	Ўзбекистонда хизматлар таснифлагичи
Бизнес хизматлари (шу жумладан профессионал хизматлар)	Сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш бўйича хизматлар
Алоқа хизматлари (шу жумладан почта, телекоммуникация ва аудиовизуал хизматлар)	Улгуржи ва чакана савдо хизматла-ри; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматлар
Курилиш ва улар билан боғлиқ мухандислик хизматлари	Ташиш ва сақлаш хизматлари
Дистрибьюторлик хизматлари (шу жумладан улгуржи ва чакана савдо хизматлари)	Тураг жой ва овқатланиш хизматлари

Таълим хизматлари	Ахборот-коммуникация хизматлари
Атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ хизматлар	Молиявий ва суғурта хизматлари
Молиявий хизматлар (суғурта, банк ва қимматли қоғозлар бозоридаги хизматлар)	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот хизматлари	Профессионал, илмий ва техник хизматлар
Туризм ва саёҳат билан боғлиқ хизматлар	Маъмурый ва ёрдамчи хизматлар
Дам олиш, маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича хизматлар (аудиовизуал хизматлардан ташқари)	Давлат бошқаруви ва мудофаа соҳасидаги хизматлар
Транспорт хизматлари	Таълим соҳасидаги хизматлар
Бошқа хизматлар	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа хизматлари
	Санъат, кўнгилочар томоша ва дам олиш соҳасидаги хизматлар
	Иш берувчи сифатида уй хўжаликларининг хизматлари
	Экстерриториал ташкилотлар ва муассаларнинг хизматлари
	Бошқа хизматлар

*Манба: муаллиф томонидан тузилган.*

1-жадвалда келтириб ўтилган таснифлашларни таҳлил қилиш асносида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда хизматларнинг таснифланиши ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) томонидан хизматларнинг таснифланишига қараганда бирмунча тўлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Мавжуд тасниф “бошқа хизматлар” га киритилган хизматларнинг, шу жумладан келтирилган бўлимларнинг ҳеч бирига киритилмаган хизматларнинг пайдо бўлиши натижасида тўлдириб борилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Турли хил таснифлаш мезонлари, иқтисодий ва илмий доираларда таклиф қилинган хизмат турларини батафсил таҳлил қилиш асносида, уларнинг хилма-хиллиги ҳар доим ҳам иқтисодий соҳадаги хизмат турларига мос келавермайди, деган хулосага келамиз. Хизматларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таснифлагичлари фойдаланиладиган хизматлар йўналтирилиши мумкин бўлган обьектларни аниқлаштириб беради. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистонда бугунги кунда амал қилувчи таснифлагичга мувофиқ хизмат турлари типологиясини таклиф этамиз (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал.

### Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича умумдвалат таснифлагичи бўйича хизматлар типологияси

Хизматлар таснифлагичи	Хизматларнинг турлари ва йўналиши
Сув таъминоти, канализа-ция, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш бўйича хизматлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- технологик жараён билан боғлиқ;</li> <li>- бир вақтнинг ўзида аҳоли катта қисмининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган;</li> <li>- инсон ҳаётининг сифатига таъсир қилиш.</li> </ul>
Улгуржи ва чакана савдо хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- хизматлар чакана савдо орқали шахсий истеъмолни қондириш мақсади билан боғлиқ;</li> <li>- чакана савдода тижорат йўналиши билан боғлиқ хизматлар;</li> <li>- инсоннинг турмуш даражасига таъсир қилиш.</li> </ul>
Моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- сезиш мумкин, обьект билан боғлиқ;</li> <li>- истеъмолчининг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган;</li> </ul>

	- объектнинг сифат хусусиятларини яхшилашга қаратилган.
Ташиш ва сақлаш харажатлари	- объект(лар)нинг ҳаракатланиши ва сақланиши билан боғлиқ; - объектларни ташиш ҳолатида субъектдан ажратиб бўлмайди; - объектларни сақлаш натижасида хизматлар кўрсатиш муддати.
Турар жой ва овқатланиш хизматлари	- истеъмолчининг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган; - яшаш учун уй-жой билан таъминлаш натижасида субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг давомийлиги; - овқатланиш хизматларини кўрсатиш натижасида субъектлар ўртасидаги қисқа муддатли алоқалар.
Ахборот-коммуникация хизматлари	- номоддий; - инсон ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган; - масофадан туриб хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.
Молиявий ва сугурта хизматлари	- номоддий; - ҳатарларни камайтиришга қаратилган.
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	- инсон турмуш сифатини яхшилашга қаратилган; - муайян бир объектда гавдаланган натижага эга бўлади.
Профессионал, илмий ва техник хизматлар	- турли тармоқ ва фаолият соҳаларининг моҳир мутахассислари томонидан кўрсатилади; -узоқ муддатли ўқитиши ва маҳсус билим ва кўнікмаларни беришни талаб қиласди; - кўрсатилган хизматлар натижасида илмий янгилик ва кашфиётлар яратилади.
Маъмурий ва ёрдамчи хизматлар	- инсон ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган; - бошқарув хусусиятига эга; - номоддий.
Давлат бошқаруви ва мудофаа соҳасидаги хизматлар	- давлат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идоралари томонидан тақдим қилинади; - инсон ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган.
Таълим соҳасидаги хизматлар	- билим даражасини оширишга қаратилган; - инсон ёки муайян бир инсонлар гурухининг сифатли таълим даражаси натижада сифатида гавдаланади; - номоддий.
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа хизматлари	-инсон ҳаёти ва соғлигини сақлашга қаратилган
Санъат, кўнгилочар томошалар ва дам олиш соҳасидаги хизматлар	- хизматлар натижасида баркамол шахс шаклланади; - инсоннинг маданий савиясини оширишга қаратилган; - номоддий.

*Манба: муаллиф томонидан тузилган.*

2-жадвалда таклиф этилаётган хизматлар таснифи кўрсатилаётган хизмат йўналишини, хизмат кўрсатувчи субъектлар ва унинг истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларнинг давомийлигини очиб беради. Тақдим этилган тасниф мамлакат қонунчилиги даражасида тасдиқланган таснифлагич доирасида хизматларнинг мазмуни ва функционал йўналишини белгилаб беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Грушевая Е.П. Обязательства по предоставлению услуг в хозяйственных отношениях. // Советское государство и право. - 1982. - № 1. - С. 82.
- . Россинский М.Б. Сфера услуг в экономике развития социализма: теорет. и методол. вопросы. Саратов, 1976. - С. 8
- . Маркс К. Сочинение / К. Маркс, Ф. Энгельс, т.23. - М.: 1965. -483с.; Маркс, К. Сочинение / К. Маркс, Ф.Энгельс, т.26. - М.: 1965. - 483с
- . Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари: Ўқув кўлланма – С.: СамИСИ, 2010 - 247 б.
- . Калмыков Ю.Х. Избранное: тр., ст., выступления. М., 1998. - С. 31
- . Агабабъян Э.М. Экономический анализ сферы услуг. – М., 1968. – С. 24–25.
- . Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. М., 2005. - С. 217.
- . Шаблова Е.Г. Гражданско-правовое регулирование отношений возмездного оказания услуг: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Екатеринбург, 2002. - С. 13.
- . Котлер Ф. Основы маркетинга: [пер. с англ.] / Ф. Котлер, Г. Армстронг, Д. Сондерс, В. Вонг : [общ.ред. Н.В. Шульгиной] - М.: Вильямс, 2000. – 1151с.
- . Пардаев М.К., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Тошкент: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2011. – 11-бет.
- . Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учеб. пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. – М.: Кнорус, 2007.
- . Котлер Ф. Маркетинг, гостеприимство, туризм. – М., 1998.
- . Карнаухова В.К., Krakovskaya T.A. Сервисная деятельность: учебное пособие / Под общ. ред. Ю.М. Krakовского. – М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2006.
- . Лавлок, Кристофер. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии / Кристофер Лавлок ; [пер. с англ. Т. В. Безвеник и др.]. - 4-е изд. - М. [и др.] : Вильямс, 2005 (ГПП Печ. Двор). - 997 с.
- . Миронова Н.В. Маркетинг различных типов услуг. // Маркетинг в России и за рубежом. – 2003. - №4. URL: <http://www.mavriz.ru/articles/2003/4/31.html>
- . Хаксевер К. и др. Управление и организация в сфере услуг, 2-е изд./Пер. с англ. под ред //ВВ Кулибановой. СПб.: Питер. – 2012.
17. B.Navruz-Zoda, N Ibragimov. The measures for improving virtual activity of incoming urban tourism in Uzbekistan. World Journal of Tourism Small Business Management. Volume 1 (3), 2007. 43-49